



“РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН” ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҒИ ДАРКОР

Анорбоев Амириддин Улуғбек ўғли

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва
ҳуқуқий сиёсат институти бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д (PhD)*

Ахборот-коммуникация технологиялари бугунги кунда шахс, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашда жуда катта рол ўйнамоқда ва ушбу соҳани ривожлантиришга мамлакатимизда ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан бошлаб ҳозирги кунга қадар рақамлаштиришга оид **2647** та қонунчилик ҳужжати қабул қилинди. Хусусан, “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегияси доирасида **2117** та¹, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида **100** та², рақамли технологиялар соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш доирасида **82** та³, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқишга оид **275** та⁴, рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш доирасида **165** та⁵, Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси доирасида **21** та⁶ лойиҳа амалга оширилди. Натижада, “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясида назарда тутилган барча муҳим вазифалар бажарилиб,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПФ–76-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.



Республика хуудларининг юкори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғи билан қамров даражаси **85** фоизга, аҳоли пунктларининг кенг полосали мобил алоқа тармоғи билан қамров даражаси **100** фоизга, Давлат хизматлари марказлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларига нисбатан ЯИДХП орқали кўрсатиладиган электрон давлат хизматларининг улуши **70** фоизга, ЯИДХП орқали кўрсатиладиган транзакциявий хизматлар улуши **60** фоизга етди, **320** дан ортиқ давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти рақамлаштирилиб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида **770** дан ортиқ давлат хизматлари ва сервислар вужудга келди, фойдаланувчилар сони **11** млн.дан ошди⁷.

“Рақамли Ўзбекистон” инсон қадрини улуғлашга хизмат қилмоғи даркор. Бунинг рақамлаштиришни тўғри ва тизимли амалга ошириш шарт! Бироқ, рақамлаштиришнинг тизимли амалга оширилмаслиги натижасида бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг олдида қуйидаги бир қатор муаммолар мавжуд, хусусан:

Биринчидан, “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегияси аслида 2030 йилга қадар амал қилиши Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармонида мазмунан назарда тутилган бўлса-да, унда қўйилган вазифалар аллақачон бажариб бўлинган, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси билан ёки у асосида ҳали хануз **Янги Ўзбекистоннинг рақамлаштириш шу жумладан, киберхавфсизлик концепцияси ва стратегияси тасдиқланиб, амалиётга жорий қилинмаган.** Бу эса, рақамлаштириш, сунъий интеллект ва киберхавфсизлик бўйича олиб борилаётган ишларнинг ягона ҳуқуқий ва технологик ёндашув асосида амалга оширилмаслигига сабаб бўлмоқда.

⁷ <https://my.gov.uz/uz>.



Жумладан, 2017-2025 йилларда давомида рақамлаштиришга оид **610** та қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ва улардаги топшириқларнинг аксарияти бир-бирини такрорловчи ва ўхшаш вазифалардан иборат, қолаверса, рақамлаштириш маълум бир давлат органи ва ташкилотининг фаолиятига қаратилган ҳолда, ҳар бир соҳа ва тармоқни **комплекс тизимли рақамлаштиришга қаратилган** ишлар деярли амалга оширилмади, амалга оширилган тизимли ишлар эса, барча ишларнинг **5 фоизини** ҳам ташкил этмайди, шу билан бирга, қўйилган вазифалар амалда тўлиқ бажарилмаган, зарур ахборот тизимлари ишлаб чиқилиб, тўлиқ амалиётга татбиқ этилмаган.

Масалан, Рақамли ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида бугунги кунда **898** та лойиҳа рўйхатдан ўтган ҳолда⁸, амалда қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан таҳлилларимизга кўра, **2500** дан ортиқ лойиҳа амалга оширилиши шарт бўлган ҳолда, қўйилган вазифалар етарлича ва тўлиқ бажарилмаган.

Иккинчидан, ахборот, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, киберхавфсизлик соҳалари ўзаро чамбарчас боғлиқ соҳалар бўлса-да, уларнинг ривожланиш ҳолати ва унга бўлган эътибор турлича эканлиги бу борада олиб борилаётган ишларнинг кейинги ривожига салбий таъсир этмоқда. *Мисол учун*, Рақамли технологиялар вазирлиги фаолияти мантиқан юқоридаги барча соҳаларни қамраб олса-да, ўзининг номи, вазифа ва функциялари уларни амалдаги қонунчилик ва фаолияти бўйича тўлиқ қамраб олмаган, қолаверса, ахборот-коммуникация технологиялари рақамли технологиялар соҳасига қараганда анча кенг соҳа бўлиб, ахборот, киберхавфсизлик соҳалари билан амалда ушбу вазирлик айтарлик бирон бир масала билан шуғулланмаяпти.

Шу сабабдан ҳам бўлса керак, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тугатилиб, унинг ахборот соҳасида назорат ва мониторинг бўйича вазифа ва функциялари Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясига

⁸ <https://reestr.uz/projects?limit=10>.



ўтказилди⁹ ва энди вазирлик бу борадаги ўзининг вазифа ва функцияларини аниқлаштириб олиши зарур.

Ушбу соҳада зарур вазифаларнинг етарлича ва тизимли белгилаб олинмаганлиги сабабли бир қатор муаммолар вужудга келмоқда. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг “Бутунжаҳон Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан белгиланган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунининг 12¹-моддасига мувофиқ веб-сайтдан ва (ёки) веб-сайтлардан ва (ёки) саҳифаларидан фойдаланишни чеклаш билан боғлиқ давлат органлари ўртасидаги жараёнлар ҳали ҳамон анъанавий усулларда амалга оширилмоқда, “Киберхавфсизлик маркази” ДУК, Оммавий коммуникациялар бўйича марказ, ваколатли идоралар ва кенг жамоатчилик томонидан аниқланган ахборот хуружларига оид ҳолатлар бўйича маъмурий ва жинойт жавобгарлик чоралари етарлича кўрилмаяпти. public.sud.uz ахборот тизимида бугунги кунда **4 529 215** та маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича суд ҳужжати эълон қилинган бўлса, шундан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 189-моддасига мувофиқ, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳуқуқбузарлиги бўйича **4436** та, МЖТКнинг 189¹-моддасига мувофиқ, тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ҳуқуқбузарлиги бўйича **490** та¹⁰, шунингдек, **384 492** та жинойт ишлари суд ҳужжати эълон қилинган бўлса, шундан, Жинойт кодексининг 130-моддасига мувофиқ, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш жинойти бўйича **51** та, ЖКнинг 130¹-моддасига мувофиқ, тазйикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 июлдаги ПФ-111-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

¹⁰ <https://public.sud.uz/report/CONFLICT>.



жинояти бўйича **46** та жиноят иши бўйича суд қарорлари эълон қилинган¹¹. Ваҳоланки, сунъий интеллект берган маълумотга кўра, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида биргина бир кунда ўртача ҳисобда **100 000** дан ортиқ порнографик мазмунда янги видео юкланмоқда, уларни содир этган ҳуқуқбузарларга нисбатан эса, тизимли жавобгарлик чоралари етарлича йўлга қўйилмаган¹². 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган кибержиноятлар сони **105 215** тани, 2023 йилда бу кўрсаткич **104 096** тани ташкил этган. Тошкент шаҳрида эса, бу кўрсаткич 2022 йилда **22 791** тани, 2023 йилда **21 728** тани ташкил этган¹³. Шу билан бирга, юқоридаги public.sud.uz ахборот тизимидаги маълумотлар фақат бир йил учун эмас, балки ундаги барча йиллар давомида киритилган суд ҳужжатлари таҳлили бўйича олинган. Демак, мазкур вазиятда, аниқланаётган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ҳодисаларининг сони билан уларга нисбатан кўрилатган чоралар ўртасида **жуда катта тафовут вужудга келаётганлигини сезиш мумкин**. Киберхавфсизлик соҳасига кибержиноятларга қарши курашишга оид тадбирлар ҳам кирса-да, бу борада тизимли ишларни амалга оширилмаслиги оқибатида кибержиноятчилар 2021-2024 йилларда **ўзбекистонлик фуқаролардан 1,9 трлн сўм ўғирлаган бўлса**, фақатгина 2024 йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич **603** млрд. сўмни ташкил этган, қолаверса, номи рақамлаштириш ёки рақамли технологияга ўзгарган бўлса-да, амалда ҳали ҳамон қоғоз билан боғлиқ жараёнлар тугагани йўқ, шу билан бирга, қоғоз ҳужжатлар алмашинувини биз рақамли технология ёки рақамлаштириш деб атаб ўзимизни ўзимиз алдамоқдамиз, аслида эса, ҳали ҳамон мавжуд қоғоз ҳужжатлар алмашинуви тўлиқ электрон ҳолатга ўтказилмаган, ахборот тизимларида маълумотлар алмашинуви тўлиқ рақамли кўринишда эмас, балки **аксарият ҳолатда электрон кўринишда айланмоқда, чиройли сўзлардан фойдаланиш орқали ўзимизни ўзимиз алдамоқдамиз** ва бу билан рақамлаштиришнинг тизимли амалга оширилишига тўсиқ бўляпмиз.

¹¹ <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>.

¹² <https://chatgpt.com/>.

¹³ https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_800.pdf.



Учинчидан, республикадаги мавжуд барча ахборот тизимлари, шу жумладан, таҳлил бўйича аниқланган **1275** та давлат ахборот тизимлари тўлиқ ўзаро интеграция қилинмаганлиги туфайли қайси ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, қайси бирига қўшимча қуйи тизим ёки модул, шу билан бирга, функция жорий этиш ҳақида аниқ тушунчалар мавжуд эмас. Бунинг оқибатида бюджет маблағлари мақсадсиз ва самарасиз ишлатилмоқда. Маълумот учун, “UZINFOCOM” ягона интегратор ўтган вақт давомида бор йўғи **21** та лойиҳа¹⁴, шу жумладан, **9** та ахборот тизими¹⁵, шунингдек, **3** тагина сунъий интеллектга асосланган лойиҳани амалга оширган холос¹⁶. **Агарда барча ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилиниб, ушбу тизимларда сунъий интеллект ва ақлли тизимларни жойлаштириш имконияти яратилганида фойдаланувчиларга қулайликдан ташқари, давлат бюджетини тежаш имконияти вужудга келган бўларди.**

Тўртинчидан, рақамлаштириш тизимли амалга оширилмаганлиги оқибатида “Киберхавфсизлик маркази” ДУК ва Рақамли технологиялар вазирлигидан экспертизадан ўтмаган ахборот тизимларини амалиётга жорий этиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда ва уларни аниқлаш ҳам ҳамон анъанавий усулларда амалга оширилмоқда. Шунингдек, Рақамли ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурслари ягона реестрида бугунги кунда мавжуд бўлган **898** та ахборот тизимлари ва ресурслари¹⁷ ҳали ҳамон ўзаро тўлиқ интеграция қилинмаган ва ягона платформа орқали бошқаришнинг техник имконияти яратилмаган. Хавфизлиги текширилмаган ахборот тизимларининг амалиётга жорий этилётганлиги ва экспертизадан ўтган мавжуд ахборот тизимларининг ўзи ҳам ўзаро тўлиқ интеграция қилинмаганлиги сабабли ҳудуд раҳбари бўлган ҳокимлик, соҳа, тармоқ ёки йўналиш раҳбари бўлган вазирлик, қўмита, агентлик, марказ, инспекцияларнинг қўлида **етарлича ахборот ресурси шаклланмаган, автоматик ва сунъий интеллектга асосланган таҳлил тизими деярли умуман ишламаяпти.** Оқибатда, бир-бирини такрорловчи

¹⁴ <https://uzinfocom.uz/uz/projects?page=5>.

¹⁵ <https://uzinfocom.uz/uz/projects?category=3>.

¹⁶ <https://uzinfocom.uz/uz/projects?category=2>.

¹⁷ <https://reestr.uz/projects>.



қонунчилик ҳужжатлари ҳам, топшириқлар ҳам сони кўпайиб кетмоқда, шахсга доир маълумотлар хавфсизлиги хавф остида қолмоқда.

Бешинчидан, рақамлаштириш қайси йўлдан кетиши ҳар томонлама самара бериши, бюджет маблағлари тўғри, мақсадли ва самарали ишлатилиши, зарур маблағлар тежаб қолиши ва тежалган маблағлардан мақсадли йўналишларда фойдаланиш мумкинлиги бўйича тизимли ишлар амалга оширилмаяпти. Бунинг оқибатида рақамлаштиришда ҳам “лоббизим”га оид салбий ҳолатлар, “латент” ҳуқуқбузарликлар, киберкоррупция илдиз отмоқда. Биргина ижтимоий ҳимоя йўналиши бўйича ягона ахборот тизимини яратилиб, унда зарур модулларни жорий этиш орқали бюджет маблағлари тежалиши ўрнига бугунги кунда “*Камбағал оилалар реестри*”, “*Ижтимоий ҳимоя ягона реестри*”, “*Ayollar daftari*”, “*Temir daftar*”, “*Yoshlar daftari*” каби вазифа ва функциялари ўхшаш ва такрорловчи ахборот тизимлари орқали бюджет маблағлари бир йўналишда, бироқ турли хил идоралар кесимида ва мақсадлар учун йўналтирилмоқда. Идора бошқа бўлиши мумкин, бироқ ушбу тизимларга йўналтирилаётган маблағлар давлат бюджетиники эканлигини унутмаслигимиз даркор. Вазифалари ўзаро ўхшаш ва бир хил бўлган **kengash.gov.uz** – маҳаллик ҳокимият вакиллик органлари портали¹⁸ ва **e-qaror.gov.uz** – ягона электрон тизими¹⁹ фаолият кўрсатмоқда, бироқ уларнинг ишларини EDO.IJRO.UZ Ижро интизоми идоралараро электрон тизими²⁰да уларга нисбатан яхши йўлга қўйилганлиги ҳамда уларнинг уччаласини ўзаро битта ягона ахборот тизимига бирлаштириш ёки ягона порталга ўтказиш зарурлиги эътиборга олинмаган. Оқибатда, вазифалари ва функциялари деярли бир хил ёки ўхшаш бўлган ахборот тизимлари учун бюджетдан уларни ишлаб чиқиш, амалиётга жорий қилиш ва техник қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ундан фойдаланиши бўйича яна қўшимча маблағлар сарф бўлмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ўртача **5-10 млрд сўмга ахборот тизими жорий этилмоқда**, уни техник қўллаб-

¹⁸ <https://kengash.gov.uz/>.

¹⁹ <https://e-qaror.gov.uz/>.

²⁰ <https://edo.ijro.uz>.



қувватлаш учун ҳар ойда 5-10 млн сўм, фойдаланиши учун 2-5 млн. сўм миқдорида бюджет маблағлари йўналтирилмоқда. Агарда уни ойлар, йиллар ва фойдаланувчи бўлган ташкилотлар сонига кўпайтириш орқали умумий харажатни ҳисобласак бюджетдан триллонлаб маблағлар ажратилатёганлигига гувоҳ бўламиз.

Олтинчидан, рақамлаштиришнинг тизимли амалга оширилмаслиги оқибатида кибержиноятларнинг сони ошиб кетмоқда. Ҳар бир фойдаланувчи дегани битта киберхавф-хатар ўша нуқтадан бошланиши мумкинлигига ҳеч ким инобатга олмаяпти, балки яна ва яна ахборот тизимлари яратилиб, амалиётга жорий қилинмоқда, бу эса, кибержиноятчиларга қўл келмоқда, улар хавфсизлиги паст бўлган нуқта орқали киберхужумни амалга оширмоқда. Энг ачинарлиси, давлат ташкилотига янги келган раҳбар рақамлаштириш керак деб, мавжуд ахборот тизимларининг номи ва техник ҳужжатларига тегишли ўзгартириш киритиш орқали битта ахборот тизими учун янгидан бюджет маблағлари сарфланиши ҳолатлари ҳам кўпайиб бораётганлиги ва бунинг тизимли назорати йўлга қўйилмаганлиги “латент” киберҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, киберкоррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар сони кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Маълумот учун: Марказий банк маълумотида суянадиган бўлсак, ҳозирда Республикамизда **376 та** тижорат банки²¹, **111 та** микрокредит ташкилоти²², Масофадан банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчиларнинг сони **60 083 561 та**²³, муомаладаги банк карталар сони **63 825 850 та**, ўрнатилган тўлов терминаллар сони **426 111 та**, банкомат ва инфокиосклар сони **35 784 та**²⁴, тўлов тизими операторлари сони **3 та**²⁵, тилов ташкилотлари сони **44 та**²⁶, электрон пуллар тизими **12 тани** ташкил этади

²¹ <https://data.egov.uz/data/6113bd0fdb32b99538e08991>.

²² <https://data.egov.uz/data/6113bde9db32b99538e0899b>.

²³ <https://data.egov.uz/data/6113c568db32b99538e08ab3>.

²⁴ <https://data.egov.uz/data/6113c59edb32b99538e08ab5>.

²⁵ <https://data.egov.uz/data/6113c68bdb32b99538e08abd>.

²⁶ <https://data.egov.uz/data/6113c6c0db32b99538e08abf>.



ва бу эса, жами 124 371 852 та киберхавфсизлик ҳодисаси амалга оширилиши учун зарур нуқта эканлигига гувоҳ бўламиз.

Фойдаланувчилар, ахборот тизимлари сони кўпайган сари кибержиноятлар сони ҳам кўпайиб бораверади. Айнан банк соҳасида фойдаланувчилар сони кўп бўлганлиги учун бугунги кунда содир этилаётган кибержиноятларнинг 98 фоизини банк карталари билан боғлиқ ўғирлик ва фирибгарлик ҳолатлари ташкил қилади²⁷. Шу сабабли бир-бирини такрорловчи ва ўхшаш функцияларни бажарувчи ахборот тизимларидан тўлиқ воз кечиш ва уни хатловдан ўтказиб, ягона методология асосида рақамлаштиришни қайта ўйлаб кўриш вақти етиб келди, фикримизча!

Еттинчидан, ахборот тизимларининг қанча кўпайиши чекланган инсон ресурси ёки моддий-техник база орқали уларнинг фаолияти устидан тўлиқ назорат ва мониторинг ўрнатилиши имконини бермайди. Биргина, аналогияга таянадиган бўлсак, бугунги кунда мавжуд бўлган 91 371 та²⁸ норматив-ҳукукий ёки бошқа бир-бирини такрорловчи ва ўхшаш нормаларга эга бўлган ҳужжатлар сони кўпайиб кетганлиги сабабли норма ижодкорлиги соҳасида «*ақлли тартибга солиш*» модели элементларини қўлланилди, идоравий норматив-ҳукукий ҳужжатлар нормаларини юқори юридик кучга эга бўлган қонун ҳужжатларига ўтказиш ва “*тартибга солиш гильотинаси*” усулини қўллаш ишлари амалга оширилди²⁹, идоравий норматив-ҳукукий ҳужжатларни қабул қилишга бир йил мораторий эълон қилинди³⁰. Шу сабабли бу борада ишлар тизимли амалга оширилмас экан, яқин орада Ўзбекистон ҳам бу йўналишда “*тартибга солиш гильотинаси*” усулини қўллашга мажбур бўлиши мумкин.

Саккизинчидан, рақамлаштиришнинг тизимли амалга оширилмаслиги барча соҳаларга, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасига ҳам

²⁷ Кибержиноятчилар 2021–2024 йилларда фуқаролардан 1,9 трлн сўм ўғирлади.

²⁸ <https://lex.uz/>.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқукий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.



салбий таъсир этмоқда, хусусан, ҳали хануз суд амалиётида бир хил ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни кўриб чиқиш ва айбдорларга нисбатан ҳукм қилишга оид масалалар бўйича **ягона амалиёт шаклланмаган**, “латент” ҳуқуқбузарликлар сони ошиб кетаётган бўлса-да, ҳали хануз прецедент ҳуқуқи (*case law*), одат ҳуқуқи (*common law*), қонунлар (*statute law*)дан етарлича амалда фойдаланиш имконияти қонунчилик билан белгиланмаган, киберҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, кибержиноятларни ҳисобга олишнинг содда методологияси ва тартиби йўлга қўйилмаган, жиноят учун жазо муқаррар бўлган ҳолда, жиноятларнинг статистикаси ошиб кетмаслиги учун ваколатли органлар уларни камайтириш чораларини кўришга ҳаракат қилишмоқда ва бу билан янгидан янги жиноятлар вужудга келишига уларнинг ўзлари шарт-шароит яратиб бермоқда.

Таҳлилларга кўра, 2023 йилда ҳар 39 сонияда, ҳозирда эса, **ҳар 14 сонияда битта киберҳужум** содир этилиб³¹, бошқа манбаларда эса, **ҳар сонияда** киберҳужум амалга оширилиб³², бунинг оқибатида 2023 йилда дунёдаги 71 фоиз ташкилотлар товламачилик дастурлари қурбони бўлишган бўлса, ҳозирда барча киберхавфсизлик ҳодисаларининг 80 фоиз қисми жиноий гуруҳлар билан боғлиқ³³ бўлиб, жаҳон иқтисодиётига етказилган зарар миқдори эса, 2018 йилда 3 трлн. доллар, 2019 йилда 3,5 трлн. доллар, 2020 йилда 4,2 трлн. доллар, 2021 йилда 6 трлн. доллар, 2022 йилда 7 трлн. доллар, 2023 йилда 8,4 трлн. доллар, 2024 йилда 9,5 трлн. долларни ташкил этган³⁴ бўлса, 2025 йилда **10,5 трлн. доллар**³⁵, 2026 йилда **20 трлн. доллар**, 2027 йилда 22 трлн. доллар, 2028 йилда 24 трлн. доллар, 2029 йилда 26 трлн. долларни ташкил этиши тахмин қилинмоқда³⁶. дунёда ҳар йили **500 миллиондан ортиқ** кибер ҳужумлар уюштирилади. **Ҳар сонияда 12 нафар** инсондан бири кибермаконда содир этилган ҳужумлар

³¹ <https://www.datensicherheit.de/2024-2025-cyber-attack-companies-14-seconds>.

³² <https://cybermap.kaspersky.com/ru/stats>.

³³ <https://www.websiterating.com/ru/blog/research/cybersecurity-statistics-facts/#sources>.

³⁴ <https://newsletter.radensa.ru/archives/4840>.

³⁵ <https://www.cenlanow.com/business/press-releases/ein-presswire/674883055/cybercrime-damages-to-cost-the-world-9-5-trillion-usd-in-2024/>.

³⁶ <https://www.statista.com/forecasts/1280009/cost-cybercrime-worldwide#:~:text=The%20global%20cost%20of%20cybercrime,trillion%20U.S.%20dollars%20in%202022>.



қурбонига айланади. АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жинойтларнинг 60-65 фоизи киберхужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда бу турдаги жинойтлар **8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жинойтчиликнинг қарийб 5 фоизига етган**³⁷. Бироқ, амалда бу турдаги жинойтларнинг сони бундан ҳам кўп бўлиб, “латент” ҳуқуқбузарлик сифатида кенг бўй чўзиб бормоқда.

Маълумки, 2025 йил учун ЯИМ 1630 трлн. сўмни ташкил этиши прогноз қилинган³⁸, 2025 йил 16 июлдан 1 АҚШ доллари 12 778.12 сўм эканлигини инобатга олсак³⁹, 127.56 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағи

10,5 трлн. АҚШ доллари миқдоридаги кибержинойтчилик натижасида келтирилган зарарнинг миқдори Ўзбекистон Республикасининг бутун ЯИМ дан деярли 82 баробар кўпроқ эканлигига шохид бўламиз.

Шунга кўра, рақамлаштириш тўғри амалга оширилмас экан, барча аҳолининг дарди ҳеч қачон тўлиқ ўз ечимини топмайди, таҳлил бўлмайди, бюджет маблағларини мақсадли ва самарали ишлатиш имконияти яратилмайди, киберҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, кибержинойтларнинг сони, тури ва салмоғи ошиб, давлатни таназзулга олиб боради. Шу сабабли бу борадаги ишларни тизимли амалга ошириш учун қуйидаги чораларни зудлик билан амалга ошириш даркор, хусусан:

биринчидан, барча ахборот тизимлари тўлиқ хатловдан ўтказилиши ва хатлов Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги илмий тадқиқот муассасалари томонидан тегишли ижро этувчи ҳокимият органлари билан биргаликда амалга оширилиши ва ушбу ахборот тизимларининг якуний рўйхати тузилиши керак. **Якуний рўйхатда, ахборот тизимининг номи, унинг вазифа ва**

³⁷ Ф. Худойкулов. Бир йилда 500 миллиондан ортиқ кибер хужумлар уюштирилади. <https://yuz.uz/news/bir-yilda-500-milliondan-ortiq-kiber-hujumlar-uyushtiriladi>.

³⁸ Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2024 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–1011-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

³⁹ <https://cbu.uz/uz/>.



функциялари, рақамли излари ҳамда кимнинг мулки эканлиги аниқ кўрсатилиши зарур. Ушбу рўйхат асосида вазифа ва функциялари бир бирини такрорловчи ва ўхшаш бўлган ахборот тизимларини аниқлаш ва уларни мақбуллаштириш орқали аниқ вазифа ва функция бўйича уларни тизимлаштириш имконияти яратилади;

иккинчидан, самарасиз, вазифа ва функциялари бир-бирини такрорловчи, мулкдор аниқ бўлмаган мавжуд ахборот тизимларини ҳисобдан чиқариш ва уни амалиётга нотўғри жалб этганлик ҳолати бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд томонидан муносабат билдириш орқали бюджет маблағларини талон тарож қилган шахсларнинг жавобгарлиги ва улар томондан ўзлаштирилган маблағлар давлат бюджетига қайтариш чораларини кўриш мумкин бўлади;

учинчидан, вазифа ва функциялари бир-бирига ўхшамаган ахборот тизимларини тўлиқ интеграция қилиш зарур. Ушбу интеграция қилиш жараёнида ҳар бир ахборот тизимидан қандай ахборотни олиш мумкинлиги аниқ кўрсатилиши ва у ягона рўйхат асосида шакллантирилиб, ягона платформага ўтказилган ҳолда, фойдаланувчилар томонидан ягона нуқтадан фойдаланиш имкониятини яратиш даркор. Бу эса, ўз навбатида фойдаланувчиларга ҳар томонлама қулайлик туғдиришдан ташқари, ягона платформа орқали вазифа ва функциялари аниқ бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг ўзларига юкланган вазифаларини тўлиқ рақамли ҳолатда бажариш имконияти яратилади, самарали таҳлил тизими йўлга қўйилиб, стратегик давлат бошқаруви тубдан такомиллашади;

тўртинчидан, ўзаро тўлиқ интеграция қилиниб, ягона платформага ўтказилган ахборот-коммуникация тизимига сунъий интеллектни жорий қилиш ва тегишли давлат органи фаолиятига оид барча масалаларга сунъий интеллект технологияларнинг ўрни ва мақомини белгилаш мақсадга мувофиқ. Уларнинг жорий этилиши орқали жиноятчилик ва криминоген вазият орқали сунъий интеллект олдинги даврда бўлган жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар орқали келгусида бўлиши мумкин бўлган жиноятлар ва



ҳуқуқбузарликларни башорат қилиши, уларнинг олдини олиш учун зарур ресурсларни сафарбар этишнинг самарали усуллари йўлга қўйилиши, давлат органи олдида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур автоматлаштирилган “*ақлли тизим*”ларга асосланган таҳлил тизими вужудга келади ва у орқали давлат бошқарувини амалга ошириш янада соддалашиб, тезкорлик таъминланади, давлат, нодавлат ва хусусий секторда бўлаётган киберкоррупцияга оид қилмишлар фош бўлади, олди олинади;

бешинчидан, рақамлаштиришни тўғри амалга ошириш орқали фойдаланувчиларнинг сони кескин кўпайиб кетмаслиги, бир марта содир этилган киберхуружнинг такроран содир этилиши учун амалга оширилган профилактик тадбирлар туфайли кибержиноятчи яна ушбу объектга киберхужум амалга оширишга ўйланиши ва яратилган зарур киберҳимоянинг мавжудлиги, энг асосийси ягона платформанинг киберхавфсизлигини таъминлаш учун барча давлат органлари ва ташкилотлари якдиллик билан ҳаракат қилиши оқибатида бюджет маблағлари тизимли сарф этилиши эвазига киберхавфсизлик ҳозирги шароитга қараганда анча яхшироқ мустаҳкамланиши, кибержиноятчи киберхужум амалга оширишни режалаштирган киберхавфсизлик объектлари сони ва унинг жойлашган нуқтаси аниқлаш имкони вужудга келиши, киберхавфсизликни тезкор таъминлашнинг техник имкониятлари яратилиши ва кибержиноятларнинг сони кескин камайишига эришиш мумкин.

олтинчидан, сунъий интеллектга асосланган ягона платформани ва унинг таркибий қисмларини “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази⁴⁰га ўтказиш зарур. Айнан бу орқали давлат ахборот тизимларидаги мавжуд ахборот ресурслари битта марказда тўпланади ва унинг киберхавфсизлигини таъминлаш имконияти яратилади, энг муҳими ахборот тизимларининг ишлаш тезлиги унинг хотирасидаги маълумотлар

⁴⁰ Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 мартдаги 107-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.



тўлиқ марказда сақланиши туфайли янада тезлашади ва шу орқали фойдаланувчиларга қулайлик яратилади;

еттинчидан, Давлат раҳбари қўлида Республикадаги мавжуд муаммоларни чекланган ресурслар орқали ҳал этиш имкониятини рақамли ечимлар орқали ҳал этиш имкониятини реал вақт режимида билиш имконини яратиш керак. Ҳозир ахборот тизимлари кўп ва кўпчилик соҳа, тармоқ ва йўналишлар тўлиқ рақамлашмаган, шу сабабли статистик маълумотлар билан мавжуд реаллик ўртасида тафовут вужудга келмоқда, шу билан бирга, чекланган ресурслардан тўғри фойдаланишда “лоббизим” билан боғлиқ салбий ҳолатлар вужудга келмоқда. Оқибатда, барча соҳа ва тармоқларни тўлиқ рақамлаштиришда бир қатор муаммолар вужудга келяпти. Айнан рақамлаштиришнинг тўлиқ идеал ҳолати вужудга келар экан, Давлат раҳбари қайси соҳа, тармоқ ва йўналишга ҳозир ва келгусида эътибор қаратиши жоизлигини билиш имконияти яратилади;

саккизинчидан, юқорида саналган тизимли ишларни амалга ошириш учун Янги Ўзбекистонни рақамлаштириш ва киберхавфсизлигини таъминлаш концепцияси ишлаб чиқирилиши ва уни амалга ошириш стратегияси ҳамда “йўл-хариталари” билан тизимли амалга ошириш имкониятлари яратилиши даркор. “Ҳар бир соҳа ўзича рақамлаштирилиши”га қаратилган усуллардан тўлиқ воз кечиш даркор.

Бу вазифаларни эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ёки қарори билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Илмий томондан “*digital republic*” моделини илгари сурган Франциядаги рақамлаштириш агентлиги (DINUM) раҳбари Henri Verdier “*ҳар бир соҳага ахборот тизимларини жорий этиш орқали трансформацияни “цифровизация – давлат ислохотининг асоси” деб тушунтиради*⁴¹. “Big Data” ва “Digital governance” соҳаларидаги етакчи олим бўлган Viktor Mayer-Schönberger рақамлаштириш шунчаки процесс автоматлаштириш эмас, янги рақамли сиёсат, бошқарув ва инновацион модел яратиш деганидир, деб

⁴¹ https://media.franceintheus.org/4265/?utm_source.



таъкидлаган⁴². Таҳлилларга кўра, “Цифровая трансформация экономики” концепцияси муаллифларидан бири бўлган **Евгений Кузнецов** соҳаларда рақамли экотизимлар яратиш, давлат хизматлари, таълим, соғлиқни сақлашда янги қиймат занжири яратишни тавсия қилган ва унга кўра, рақамлаштириш – бу “цифровизация янги бошқарув маданияти билан барабар ҳисобланади⁴³. **Satya Nadella** “Tech intensity” концепциясида ҳар бир соҳада рақамли платформани яратиш зарурлиги, яъни таълим, соғлиқни сақлаш, логистика ва бошқа соҳаларнинг ички жараёнлари фақат рақамли ҳар бирида биттадан инфратузилмада амалга ошиши керак, деб ҳисоблайди⁴⁴. World Economic Forum асосчиси **Klaus Schwab** “Fourth Industrial Revolution” концепциясида рақамлаштириш бутун соҳа ва ижтимоий тизимларни тубдан қайта шакллантириши қайд этиб, бунда AI, IoT, blockchain ва бошқалар билан рақамли давлат, рақамли иқтисодиёт яратишни таклиф қилган⁴⁵.

Юқоридагиларга кўра, хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизнинг фикримизча, юқоридаги олимларнинг фикрларининг давоми сифатида ҳар бир соҳа, тармоқ ва йўналиш учун алоҳида платформа зарур эмас, балки ушбу соҳа, тармоқ ва йўналишдаги ўхшаш ва такрорловчи вазифа ва функциялар учун қўшимча платформа яратиш бу қўшимча харажат ва ноқулайлик деганидир. Ундан кўра, вазифа ва функциялари ўхшаш бўлган соҳа, тармоқ ва йўналишлар бўйича ахборот-коммуникация тизимлари ишлаб чиқилиб, улар ўзаро интеграция қилинган ҳолда, ягона платформа орқали бошқарилиши мақсадга мувофиқ. Ана ўшандагина унга сунъий интеллект технологияларини тўғри қўллаш ва “*ақлли тизимлар*”дан унумли фойдаланишда бошқа ечимларга қараганда самаралироқ фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Бунинг учун эса, концепция қабул қилиш, у асосида стратегия ва дастур ёки “йўл-харита” асосида вазифалар тизимли бажарилиши керак. Концепцияга барча риоя қилиши ва уни ўзгартириш эса, ахборот-коммуникация

⁴² chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://eiir.org/wp-content/uploads/2022/08/EIIR-4IR-STUDY_OVERVIEW_10_10_20_TEXT.pdf.

⁴³ https://courses.skolkovo.ru/event/cdto-kuznetsov-2/?utm_source=chatgpt.com.

⁴⁴ <https://ukstories.microsoft.com/features/microsoft-ceo-satya-nadella-on-fuelling-tech-intensity-in-the-uk/>.

⁴⁵ <https://www.weforum.org/about/the-fourth-industrial-revolution-by-klaus-schwab/>.



технологияларининг ривож ва мавжуд ресурс ҳамда ҳуқуқнинг ўзига хос имкониятига боғлиқ бўлиши ва тизимли ўзгартирилиши зарур. Акс ҳолда, қўйилган мақсад тўлиқ амалга ошмаслиги мумкин. Ана шундагина юқорида кўтарилган масалаларга тўлиқ ечим топиш имконияти яратилади, бюджет маблағлари рақамлаштиришга пала-партиш эмас, балки тизимли ва тўғри йўналтирилиши бўйича ягона тартиб ва амалиёт вужудга келади, энг муҳим кибержиноятларнинг сони кескин тушиб кетиши имконияти вужудга келади ёки унинг сони ошиши одатдагига қараганда сезиларди даражада камайиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон–2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПФ–76-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли



трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

10. Ўзбекистон Республикасининг “2025 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2024 йил 24 декабрдаги ЎРҚ–1011-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 14 мартдаги 107-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси.

12. <https://my.gov.uz>.

13. <https://reestr.uz>.



14. <https://public.sud.uz>.
15. <https://chatgpt.com>.
16. <https://api.siat.stat.uz>.
17. <https://uzinfocom.uz>.
18. <https://reestr.uz>.
19. <https://kengash.gov.uz>.
20. <https://e-qaror.gov.uz>.
21. <https://edo.ijro.uz>.
22. <https://data.egov.uz>.
23. <https://lex.uz>.
24. <https://www.datensicherheit.de>.
25. <https://cybermap.kaspersky.com>.
26. <https://www.websiterating.com>.
27. <https://newsletter.radensa.ru>.
28. <https://www.cenlanow.com>.
29. <https://www.statista.com>.
30. <https://yuz.uz>.
31. <https://cbu.uz/uz>.
32. <https://media.franceintheus.org>.
33. <https://courses.skolkovo.ru>.